

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**УДК 371.035.3**

**ҚОДИРОВ МАХМУДЖОН МУХАММАДЖОНОВИЧ**

**БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ  
КАСБИЙ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(технология)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам  
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical  
science**

**Қодиров Махмуджон Мухаммаджонович**

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифталарни  
шакллантириш..... 5

**Кодиров Махмуджон Мухаммаджанович**

Формирование профессиональных качеств будущих учителей  
технологического образования ..... 24

**Kodirov Makhmudjon Muxammadjonovich**

Formation of professional qualities for future labor training teachers..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОДИРОВ МАХМУДЖОН МУХАММАДЖОНОВИЧ**

**БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ  
КАСБИЙ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(технология)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped62 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Муслимов Нарзулла Алиханович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Химматалиев Дўстназар Омонович**  
педагогика фанлари доктори (DSc)

**Жўраев Ҳусниддин Олтинбойевич**  
педагогика фанлари доктори (DSc), доценти

**Етакчи ташкилот:**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_куни тарқатилди.

(2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Х.Джураев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., академик

**Р.Г.Исянов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доц.

**Б.С.Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси п.ф.д., проф.

## Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида интерфаол таълим парадигмаси, индивидуал ва ижтимоий тажриба рефлексияси асосида диалогик муносабатлар маданияти ва фаол ҳамкорлик билан тавсифланадиган таълим муҳити ташкил этилмоқда. Ўқитувчиларнинг ўқув ва касбий ижтимоийлашув жараёнларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш асосида касбий ижтимоийлашувнинг дадактик асослари таълим жараёнига татбиқ этилди. Бўлажак ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантиришнинг самарали механизмларини жорий қилиш, педагогик-психологик компетенцияларини ривожлантириш, касбий сифатларнинг дидактик имкониятларини кенгайтириш орқали бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини талабаларда компетенцияни шакллантиришга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини ривожлантиришнинг дидактик параметрларини аниқлаштириш, педагогик имкониятларини такомиллаштиришга доир илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бўлажак технологик таълим ўқитувчилари касбий тайёргарлигининг (гностик, конструктив, лойихавий, ишлаб чиқариш технологик) компонентларини ривожлантиришда замонавий дидактик воситалардан фойдаланиш, касбий сифатларни ривожлантиришнинг интенсив технологиялари самарадорлигини ошириш, касбий йўналтирилган таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича тадқиқот олиб борилмоқда.

Республикамизда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантиришга қаратилган ахборот-таълим муҳити жорий этилди, касбий сифатларни ривожлантиришни таъминловчи моддий-техник база, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш<sup>1</sup>” устувор вазифа сифатида белгиланди. Бу бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантириш метод ва воситаларини такомиллаштириш ва жорий этишга шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни Ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳужжатлар тўплами – Т.; 2017 – б.37.

таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш, уларда касбий ва шахсий сифатларни шакллантириш муаммолари Абдуллаева Б.С., Джораев М., Джураев Р.Х., Иноятов У.И., Исмоилова З.К., Исянов Р.Г., Курбанов Ш.Э., Кўйсинаев О.А., Мардонов Ш.К., Муллаҳметов Р.Г., Муслимов Н.А., Мусурмонова О., Толипов Ў.Қ., Уразова М.Б., Химматалиев Д.О., Ходжабоев А.Р., Шарипов Ш.С. ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Кузьмина Н.В., Пидкасистий П.И., Слостенин В.А. бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг назарий жиҳатлари; Андреев В.И., Беспалько В.П., Селевко Г.К., Шчуркова Н.Е. касбий тайёрлаш технологияси; Андреева Г.М., Бодалев А.А., Коломенский Я.Л., Лернер И.Л., Мудрик А.В. кабилар шахслараро муносабатлар масалаларини ўрганган. Абульханова-Славская К.А., Аксенова Г.И., Деркач А.А., Климов Е.А., Маркова А.К., Шадриков В.Д. томонидан субъект фаолияти ва касбий шаклланиш жараёнининг детерминант омиллари ва босқичлари; Ананьев Б.Г., Асмолова А.Г., Зеер Э.Ф., Теплов Б.М., Шадриков В.Д. томонидан эса бўлажак мутахассисларда касбий аҳамиятга эга муҳим шахсий сифатларнинг шаклланиши, касбий тайёргарликни оптималлаштириш касбий таълим контекстида тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакат олимлари Goldschmidt M., Goldschmidt P.B., Owens G., Russell J.D., Юцявичене П.А. ўқитувчиларда касбий сифатларни шакллантиришнинг турли жиҳатларини ўрганган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режаси “Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг самарали замонавий ўқув-методик мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш” (2009-2011) ҳамда “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” (2012-2014) мавзусидаги илмий амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатлари мазмунига қўйилаётган малака талаблари ва уни шакллантиришнинг фалсафий, педагогик, психологик жиҳатларини таҳлил этиш;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатлари мазмуни ва уни шакллантириш методикасини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик тузилмасини (моделини) такомиллаштириш;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантиришга қаратилган инновацион таълим технологиялари ҳамда электрон ахборот-таълим ресурсларини такомиллаштириш;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатлари шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичларини таълим жараёнига жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** – бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** – бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантиришнинг шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда мавзуга оид илмий манбалар, фалсафий, социологик, педагогик-психологик, дидактик материаллар, ДТС, ўқув режа ва дастурлари, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; суҳбат, кузатиш, анкета, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба-синов; мониторинг, математик статистика методларидан фойдаланилди.

### **Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги:**

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг (мотивацион, конструктив, ташкилотчилик, бошқарувчилик, меҳнатсеварлик, интизомлилик, ишлаб чиқариш-технологик каби) касбий сифатлари операционал-технологик функцияларнинг хусусиятларини педагогик рефлексия тамойилларига ўзаро ўқув ва амалий вазиятларни интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

касбий компетенцияга йўналтирилган фаолият тузилмаси гностик, индивидуал-психологик хислатлар ва умумкасбий муҳим сифатларни моделлаштириш орқали интерфаоллаштириш босқичлари мазмунини технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини белгилаш асосида такомиллаштирилган;

интерфаол методлар (Case-study, ролли ўйинлар, Smart technology), рефлексив ёндашувларни лойиҳалаштириш асосида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантириш модели технологик таълим ўқитувчисига қўйилган талаблар асосида такомиллаштирилган;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини креатив фикрлаш асосида ривожлантириш ҳамда касбий сифатларнинг шаклланганлик даражаси мезонлари математик-статистик методлар асосида такомиллаштирилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини босқичма-босқич шакллантириш методикаси лойиҳалаш, изланиш, тадқиқотчилик (ақлий хужум, тажриба-синов, дидактик ўйинлар, эксперимент) технологиялари, муаммоли (муаммоли баён, қисман-изланиш, эвристик) таълим технологиялари, “лойиҳа методлари” технологияси, ахборот-коммуникация технологиялари, ҳамкорлик педагогикаси, ўқитишнинг жамоавий усулларининг самарали дидактик имкониятларидан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантириш мазмуни ва методлари, дастурий ва методик таъминоти ижодий йўналганлик, компетентлик, креативлик, фаоллик ва ўз-ўзини бошқариш, педагогик рефлексия тамойиллари асосида такомиллаштирилган;

касбий сифатларни шакллантиришга хизмат қиладиган ташкилий-педагогик тузилма (модел) ишлаб чиқилган;

талабаларда касбий сифатларнинг шаклланиши жараёнини амалда назорат қилиш имконини берадиган мезонлар ва кўрсаткичлар танланиб, баҳолаш воситалари сифатида фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланган педагогик йўналганлик, акмеологик, фаолиятлилик, компетентлик, креативлик, фаоллик ва ўз-ўзини бошқариш, педагогик рефлексия каби касбий сифатлари ва компетенциялари расмий манбалардан олингани, республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуман материаллари, ОАК рўйхатига киритилган ва бошқа хорижий илмий нашрларда чоп этилган мақолалар, тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантириш учун таклиф этилган инновацион таълим технологиялари, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган дастур, модел ва ўқув-услубий тавсиялардан “Касбий компетентлик” махсус курсининг ўқитишда фойдаланиш, педагогик йўналганлик кўрсаткичларининг моделлаштириш, тизимли-ижодий даражаларига устуворлик бериш орқали инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштирилган илмий-методик таъминот билан белгиланади.

Тадқиқот амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот материали, натижалари, хулоса ва тавсиялардан олий таълим муассасаларида технологик таълим йўналиши мазмунини такомиллаштириш, бўлажак технологик таълим ўқитувчилари касбий сифатларини шакллантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш, шунингдек, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш, дарслик ва қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантиришга хизмат қилувчи операционал технологик ва касбий функциялар 2014 йил 12 августда “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланган бакалаврият йўналишларининг №1-2570-сонли Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 ноябрдаги 89-03-4444-сонли маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талаблари, ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар мазмуни такомиллаштирилган;

касбий компетенцияга йўналтирилган фаолият тузилмасини интерфаоллаштириш босқичлари ҳамда интерфаол методлар асосида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантиришга оид таклифлар асосида Касб таълими (меҳнат таълими) йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 26 февралдаги 51-сонли буйруғи асосида берилган 272-сонли гувоҳномаси). Натижада технологик таълим ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш ва уларда касбий сифатларни шакллантириш самараси ортган;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантиришнинг ташкилий-педагогик тузилмасини интеграл методлар асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар 2012-2014 йилларга мўлжалланган “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 ноябрдаги 89-03-4444-сонли маълумотномаси). Натижада, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантириш моделини яратишга хизмат этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 12 та республика илмий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан, 2 та қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола (8 та республика ва 3 та хорижий журналда) чоп қилинган, 13 та илмий-назарий конференция ва илмий мақолалар тўпламларида ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 127 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети баён этилган, тадқиқотнинг илмий ва амалий янгилиги, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий сифатларини шакллантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак ўқитувчиларда касбий сифатларни шакллантириш педагогик муаммо сифатида таҳлил қилинган, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг индивидуал психологик хусусиятлари ҳамда касбий сифатлари тузилмаси асослари баён этилган.

Касбий шаклланиш шахс камолотининг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, унинг фақат технологик ва касбий фаолиятни танлаш билан боғлиқ эҳтиёж ва қизиқишларини ифодалайди. Касбий сифатлар мазмуни ва унинг шаклланиши меҳнат фаолияти ёки касб соҳасининг аниқ турини танлаш билан боғлиқ бўлиб, аниқ ва онгли равишда қабул қилинадиган қарорнинг ифодаланишидир.

Ўқитувчилар касбий сифатларининг шаклланиши педагогик фаолиятнинг барча томонлари: касбий фаолият, кундалик муносабатлар, шахс сифатида ривожланиши, меҳнатнинг мажмуавий натижасида намоён бўлади. Таъкидлаш керакки, олий таълим муассасаси ўқитувчисининг энг муҳим вазифаси талабаларнинг касбий сифатларини барқарорлаштириш, тўлдириш ва узатиш механизмларини бошқариш имкониятларини босқичма-босқич такомиллаштириш учун педагогик-психологик шароитлар яратишдан иборат. Уларни амалга ошириш босқичлари қуйидагича: талаба фаолиятининг ўқитувчи томонидан бошқарилиши; ўқитувчи ва талаба томонидан касбий сифатлар шаклланишини ҳамкорликда бошқарилиши; бўлажак ўқитувчининг касбий ўзини ўзи ривожлантиришини мустақил бошқариши.

Технологик таълим йўналишида таҳсил олаётган бўлажак ўқитувчиларда касбий сифатларни шакллантиришни билим олишга қизиқиш ва қобилият, педагогик маданиятни такомиллаштириш, касбий билим ва кўникмаларни чуқурлаштиришни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларининг шаклланиши уларнинг шахсий сифатлари ҳамда касбий фаолият талаблари билан узвий боғлиқлиги масалалари кенг доирада таҳлил қилинди. Шу билан бирга, касбий сифатларнинг шаклланишида индивидуал психологик хусусиятларнинг ўрнини баҳолаш муҳим саналади.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантириш уларнинг жамиятдаги ўрни, педагогика олий таълим муассасасидаги мажбурият ва вазифалари, индивидуал қобилиятларига боғлиқ. Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги унинг индивидуал

хусусиятлари (илмий фикрлашнинг таркиб топганлиги, ишга ижодий ёндашиш, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга интилиш ва бошқалар) ривожланганлик даражаси билан белгиланади. Бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг ижодий индивидуаллигини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари қарама-қаршилигини ҳис қилиш, уларнинг ечимини топиш учун эса ўзига хослик ва мақсадга мувофиқлик каби касбий сифатларнинг таркиб топишида намоён бўлади.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий сифатларини гностик, мотивацион, конструктив, ташкилотчилик, бошқарувчилик, меҳнатсеварлик, интизомлилик, ишлаб чиқариш-технологик сифатлар ташкил этади. Педагогик вазифаларнинг ҳал этилиши, аввало, тарбия субъектининг индивидуал-психологик хислатларига таянади. Ушбу сифатларнинг ривожланганлиги, инсоннинг тўла шаклланганлиги, индивидуаллиги, ҳар томонлама баркамоллигини тавсифлайди. Уларнинг ривожланганлик даражаси шахснинг ижтимоий фаоллиги, ҳаёт тарзи, бахти ва жамиятда ўзини қандай тутишини белгилаб беради.

Педагогик фаолиятга тайёргарлик барча технологик соҳаларида катта аҳамиятга эга бўлган касбий сифатларни шакллантиришни қамраб олади. Уларни шакллантириш мактабгача тарбия ёшидан бошланади ҳамда бошланғич, умумий ўрта таълим ва олий таълим тизимида давом эттирилади. Маълумки, ишлаб чиқариш таълимида ўзлаштириш кўпинча касбий сифатларнинг ривожланганлик даражаси билан белгиланади.

Мутахассиснинг шахсий салоҳиятини ташкил қиладиган касбий сифатларнинг шаклланиши унинг умумий ривожланиши негизида рўй беради ва унга боғлиқ бўлади. Бунда кўпинча мавжуд бўлган, лекин талаб қилинмаган сифатларнинг жонланиши, яхши ривожланмаган сифатларнинг “уйғотилиши” ва кучайтирилиши рўй беради. Пировардида, куйидаги боғлиқликка амал қилади: инсоннинг ривожланиш даражаси қанчалик юксак бўлса, унинг шахсий меҳнат салоҳияти, касбий фаолият сифати шунчалик юқори бўлади. Аксинча, касбий аҳамиятга эга сифатларнинг суст шакллантирилганлиги меҳнатдан қониқмаганликни юзага келтиради, касбий ривожланиш мотивациясини пасайтиради, кўпинча касбни ўзгартиришга олиб келади.

Технологик таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашда таълим мақсадларига эришиш учун, шунингдек, барча олий таълим тизими учун умумий бўлган таълим мазмуни ва уни ташкил қилишнинг янги тамойиллари – таълим мазмунининг мослашувчанлиги ва вариативлиги; ўзидан олдинги таълим босқичларига нисбатан узлуксиз, узвийликда, изчилликда ва ўқитиш жараёнларига таълим манбаларини киритиш имконияти; кадриятлар ва маданият, ахлоқ, одоб меъёрлари аҳамиятининг устуворлиги; касбий тайёргарликда давлат, жамият, фан ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиш муаммолари акс этиши лозим.

Касбий сифатларни шакллантиришда умуминсоний ва миллий кадриятлар асосида ёшларни тарбиялаш, мамлакатимиз мустақил тараққиётини янада такомиллаштиришда ишлаб чиқариш соҳаларини

ривожлантириш, замонавий техника ва технологияларни муайян соҳаларга татбиқ этиш, улардан самарали фойдаланиш йўллари ҳақида тўлиқ билимга эга бўлишларига эътибор берилади. Замонавий ўқитувчи ўз касбий фаолияти соҳасидаги янгиликларни эгаллаб бориши, истиқболдаги тараққиёт йўналишлари ҳамда юзага келувчи муаммоларни ечиш йўлларини кўра билиши лозим. Касбий сифати шаклланган ёшларни касбга йўналтириш ва тайёрлашда касб эгаларига нисбатан хурмат ҳиссини, касбий ғурурни шакллантиришдан иборат.

Юқоридаги таҳлиллар асосида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантиришга қуйидагича таъриф бериш мумкин: касбий сифатларни шакллантириш – бу объектив мавжудликнинг субъектив аксидир. Касбий сифатларни шакллантиришнинг объекти инсон учун аҳамиятли предмет ва ҳодисалар ҳисобланади. Касбий сифатларни шакллантириш у ёки бу предметнинг аҳамияти, субъект учун борлиқнинг анланган ёки анланмаган талаблар аниқланиб, уни қизиқиш ёки мақсад сифатида кўрсатиш деб талқин қилинади.

Бу таркибий тузилма ўз ичига гностик (академик билим даражасига эга бўлиш, фанларни интеграциялаш, моделлаштириш, лойиҳалаш, башорат қилиш), умумкасбий муҳим сифатлар (конструктивлик, коммуникативлик, ташкилотчилик, бошқарувчилик, меҳнатсеварлик, интизомлилик, ишлаб чиқариш-технологик), индивидуал-психологик (мотивацион, ирода, ҳиссий, қобилиятли, ўз-ўзини такомиллаштириш) сифатларни қамраб олади. Бу сифат ва хислатларнинг ривожланганлик даражаси бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга ошириши гарови ҳисобланади.

Гностик сифатлар талабанинг ўз касби доирасида етарли даражадаги билимга эга бўлиш орқали фанларни интеграциялай олиши, зарурий билимларни ўзлаштиришда ўқитиладиган барча фанларнинг бир-бири билан ўзаро алоқадорлигини таъминлай ва моделлаштира олиши, бирор-бир ҳодиса, жараён ёки объектлар тизими моделини қуриш ва уни ўрганиш орқали уларнинг хусусиятларини билиш ҳамда лойиҳалай олишда объект ва жараёнларни режалаштириш, моделлаштириш, уларнинг хусусиятларини аниқлай олиш, башорат қилиш манбалари асосида истиқболда аниқлаш лозим бўлган натижа хусусида олдиндан фикрлай олиши, интеллектуал сифатларнинг шаклланганлигида ўз ифодасини топади.

Диссертацион тадқиқот доирасида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий-педагогик фаолияти функционал вазифаларини муваффақиятли бажаришга оид касбий сифатларни таркибий тузилмаси ишлаб чиқилди (1-шакл).

Умумкасбий муҳим сифатлар: конструктивлик объект ва жараёнларнинг тузилиши ва ўзаро жойлашувларини туза билишга оид тизимли фаолият; коммуникативлик ўзаро муносабатлар, уларнинг усулларини ўзлаштириш; ташкилотчилик фаолиятни бошлаб бериш, ташкил этиш, уюштириш, раҳбарлик қилиш; бошқарувчилик касбий фаолият жараёнини идора қилиш, йўл-йўриқ кўрсатиш, ўрнатилган кўрсатиш, натижаларни таҳлил қилиш, баҳолаш;

меҳнатсеварлик касбий қизиқувчанлик, ижтимоий фаоллик, тиришқоқлик; интизомлилик қатъиятлилик, ташаббускорлик, жўшқинлик, муайян ҳуққ-атвор ва тартиб-қоидаларга ҳурмат билан қараш ҳамда уларга амал қилиш; ишлаб чиқариш-технологик сифатлар эса ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда маҳсулотни сотишни билиш кабиларда ўз аксини топади.



**1-шакл. Технологик таълими ўқитувчиларини касбий сифатларини таркибий тузилмаси**

Касбий индивидуал-психологик сифатлар: мотивация касбий фаолиятни самарали ташкил этишга ундовчи рағбат бўлиб, бунда интеллектуал салоҳият, фикрлаш, эрудиция, сезгирлик, зийраклик, башорат қила олиш, кузатувчанлик, тасаввур, ижодкорлик; иродавийлик ўзаро мулоқотда чидам фаолиятни амалга ошириш, мақсадларга эришиш, ўзлигини ривожлантириш; ҳиссийлик таълим олувчиларнинг ўй-кечинмалари, ўқувчиларнинг ёш физиологик хусусиятларини эътиборга олиш, ҳамфикрлик ва психологик муҳитни бошқара олиш; қобилият, муайян фаолият юзасидан лаёқат ва ишни муваффақиятли бажаришда ўзига хос имкониятларнинг мавжудлиги; ўз-ўзини такомиллаштириш ўз фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш, ўз индивидуаллиги ривожлантиришда ифодаланади.

Касбий компетентлик малака талаблари доирасида бевосита касбий функционал вазифаларини бажариш учун аҳамиятга эга бўлган касбий сифатлар йиғиндисининг характеристикаси сифатида тушунилади. Шу нуқтаи назардан, касбий компетентлик бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларининг негизи ҳисобланади ҳамда ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни таҳлил қилиш, техник ҳужжатларни ва топшириқларни таҳлил қилиш, меҳнат жараёнини беҳато амалга ошириш, технологик талабларга риоя қилиш, қўшимча малакаларни эгаллаш, маданият ва жараёнларни ташкил этишнинг юқори даражаси, ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган техник ва технологик носозликларни бартараф этиш каби фаолиятнинг элементлари орқали шакллантириладиган касбий компетенцияларга эга бўлиши тақозо этади.

Технологик таълим ўқитувчисининг касбий фаолиятини моделлаштириш мазкур тадқиқот доирасидаги муаммонинг ижобий ечимини таъминлашга хизмат қилувчи омиллардан бири саналади. Шу боис талабаларнинг касбий-педагогик фаолиятини моделлаштириш, унинг моҳияти ва шартлари хусусида маълумотларга эга бўлиш талаб этилади.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатлари шаклланишининг ташкилий-педагогик модели ишлаб чиқилди (2-шакл). Мазкур модел бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий сифатларини шакллантириш мақсади (технологик таълим битирувчисига қўйилган малака талаблар, иш берувчининг битирувчиларга қўйган талаблари асосида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантириш методикаси такомиллаштириш), педагогик жараён (касбий сифатларни шакллантиришга таъсир этувчи омиллар, тамойиллар, ёндашувлар, уни дидактик таъминоти, босқичлари, касбий сифатларни шакллантиришда инновацион таълим технологияси)ни самарали амалга ошириш, натижа эса (баҳолаш мезонлари, тажриба-синов ишларни миқдор ва сифат таҳлили) педагогик амалиётда намоён бўлиши кўрсатиб ўтилди.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантириш 3 босқичда кечади: тайёргарлик босқичида бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг ўқув касбий фаолият жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга оид билим ва кўникмалар мониторинг қилинади, уларда касбий аҳамиятга эга сифатларни шакллантириш мақсади белгиланади; асосий босқичда бўлажак технологик таълим ўқитувчилари ўқув-касбий фаолият жараёнида касбий педагогик билимларни эгаллайди, касбий кўникмаларни қайта таҳлил этади ва касбий малакаларни ўзлаштиради, қобилиятлар ва касбий аҳамиятга эга шахсий сифатлари ривожланади ҳамда улар мажмуавий ҳолда касбий сифатларни шакллантиради; якунловчи босқичида олий таълим муассасасида таълим олиш жараёнида бўлажак технологик таълим ўқитувчисида касбий билим ва кўникмалар ҳамда шаклланган касбий сифатлари мустахкамланади ва такомиллаштирилади.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантириш модели таълим ва ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган


педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятларни муваффақиятли ҳал этишни таъминловчи гностик салоҳият, умумкасбий муҳим сифатлар, интеллектуал-психологик хислатларни таърифловчи, креатив фикрловчи, касб эгасининг мустақил билим олиши ва ўзини ўзи ривожлантиришини акс эттирувчи андоза ҳисобланади. Технологик таълим ўқитувчисининг касбий сифатларини шаклланиши гностик, лойиҳалаш, ташкилотчилик, коммуникатив, конструктив ва ишлаб чиқариш-технологик жараёндаги фаоллигига боғлиқ бўлади. Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, ушбу касбий сифатлар касбий функция ҳамда касбий компетенцияларни шаклланиши учун асос бўлади.

Технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантириш ва педагогик жараён маҳсули сифатида акмеологик, фаолиятли ва компетенциявий ёндашув асосида тайёрланиши уларда зарурий шахсий, касбий ва индивидуал сифатларни таркиб топтириш учун асос вазифасини ўтайди. Бу эса бўлажак ўқитувчи шахси, малака талаблари ва иш берувчининг талабларига тўла жавоб берувчи касбий сифатга эга компетентли мутахассиснинг шаклланишини таъминлайди.

Диссертациянинг **“Технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлашда касбий сифатларини шакллантиришнинг мазмуни, методи, шакли ва воситалари”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий сифатларини шакллантиришга оид ёндашувлар, касбий сифатлар мазмуни ишлаб чиқилган, технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантириш методикаси баён этилган.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий сифатларини шакллантиришда айниқса, акмеологик, фаолиятли ва компетентли ёндашувга асосланишни талаб этадиган инновацион таълим технологияларини қўллаш самаралидир. Инновацион таълим технологиялари ҳамда фаол ва интерфаол методлар (Б.Блум таксономияси, Case-study, ролли ўйинлар, Smart technology, ижодий машқлар, портфолио) талабаларда ўз-ўзини тўғри баҳолаш ва ўз нуқтаи назарини янада намоён қилиш учун зарурий шарт-шароит яратади. Талабаларнинг амалий машқлар устида ишлаши бир нечта босқичда амалга оширилади: 1) репродуктив (касбга оид ахборот билан ишлаш); 2) продуктив (касбий мулоқотни амалга ошира олиш); 3) креатив (касбий муаммоли вазиятларни ҳал қила билиш).

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий сифатларини шакллантириш **“Касбий компетентлик”** фани мазмуни ишлаб чиқилди ва уни ўқитиш бўйича инновацион технологияларига асосланган назарий, амалий ва семинар машғулотли ташкил этилди, суҳбат ва ҳамкорликда муҳокамалар ўтказилди. Касбий сифатларни шакллантиришга боғлиқ адекват технологиялар танлаб олинди. Мазкур технологиялар мазмунида касбий сифатлар шаклланишига мутаносиб равишда хулқ-атвор кўринишлари ифода этилди.



**2-шакл. Технологик таълими ўқитувчиларида касбий сифатларни шакллантириш ташкилий-педагогик модели**



Техник объектлар билан ишлаш жараёнида касбий сифатлар шаклланишига муносабат ва фикр билдиришга доир саволлардан фойдаланилди.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантириш рефлексив ёндашувнинг концептуал асосларига таянган ҳолда лойиҳалаштирилиб, мақсадга йўналтирилган, тизимли тавсифга эга қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олди: аналитик – талабаларнинг касбий сифатлари шаклланган шахслар ҳақидаги ахборотларни тўплаш, таҳлил этиш, умумлаштириш ва баҳолаш; ташкилий-тайёрлов – технологияни амалга ошириш истиқболини аниқлаштириш, педагогик жараён шакл, метод ва воситаларини танлаш, профессор-ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш; фаолиятга доир – касбий сифатларни шакллантириш компетентлигини ривожлантириш технологиясини босқичма-босқич амалга ошириш; мониторинг – касбий сифатларни шакллантириш компетентлигини ривожлантириш динамикасини баҳолаш, зарурият юзага келганда педагогик жараёнга тузатишлар киритиш; натижавий – натижаларни баҳолаш ва таълимий-тарбиявий ишларнинг истиқболдаги вазифаларини аниқлаштириш. Технология икки қисмдан ташкил топган: мазмунли-процессуал ва ташкилий-педагогик. Технологиянинг мазмуни ўзида когнитив – амалий фаолият – рефлексия бирлиги ва ана шу босқичларни ҳар бирида ўзига хос тарзда намоён бўлувчи касбий сифатларни шакллантириш даражалари (англаш, тушуниш, муносабат ва фикрлаш)ни акс эттирди.

Таҳлилий материаллар асосида ҳамда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий сифатларини шакллантириш учун “Касбий компетентлик” фанининг бўлими сифатида (маъруза, амалий, семинар машғулотлари ва мустақил таълим шаклларида фойдаланиш учун) 3-4 курсларга мўлжалланган “Технологик таълим ўқитувчисининг касбий сифатлари” махсус курс дастури мазмунига тақвим-мавзу режаси ишлаб чиқилди.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий сифатларини шакллантиришнинг уч босқичдан иборат ташкилий-педагогик шарт-шароитларни амалга оширишнинг методик харитаси ишлаб чиқилди (1-жадвалга қаранг).

Мазкур курс дастури олтита машғулотни ўз ичига олди:

1-модул. Талабалар ижтимоий муносабатларни, воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қила олишни ўрганадилар, касбий фаолият жараёнига тайёрланадилар; талабаларнинг билим доиралари ва дунёқараши кенгайтирилади; касбий фаолият жараёнини идора қилиш, натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, бошқалар учун масъулиятни ҳис қилиш сифатлари ривожлантирилади.

2-модул. Талабаларнинг танлаган касбига нисбатан меҳр-муҳаббатда бўлиши, касбий етукликка эришиш, касб билан боғлиқ бўлган эҳтиёжлари ҳиссий намоён бўлади; жамоатчилик, ватанга садоқат руҳида тарбияланади, билимга интилиш ва меҳнатга муҳаббат, меҳнат кишисига нисбатан ҳурмат ҳисси сингдирилади; ўзини ҳурмат қилиш, маъулиятлилик; меҳнат

жамоасининг ҳуқуқий ва ахлоқ меъёрларига ҳурмат ҳислари ривожлантирилади.

## 1-жадвал

### Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантиришнинг методик харитаси

<b>Биринчи босқич:</b> Касбий сифатларини аниқлаштириш мақсадга йўналтирилганлиги	
<b>Ташкилий-педагогик шарт-шароитни амалга ошириш методикаси</b>	
<b>Мақсад</b>	Ижтимоий муносабатларни, воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қила олишни ўргатиш, касбий фаолият жараёнига тайёрлаш.
<b>Мазмун</b>	“Технологик таълим ўқитувчисининг касбий сифатлари” махсус курси дастурини биринчи модули
<b>Шакл, метод ва воситалари</b>	<b>Ташкилий шакллари:</b> “Заковат” ўйини. <b>Методлари:</b> баҳслашув, муаммоли таълим, блиц, Б.Блум таксономияси, ролли ўйинлар, сўров, методлар. <b>Воситалари:</b> тарқатма материаллар, интернет, электрон таълим ресурслари.
<b>Натижа</b>	Талабалар ижтимоий муносабатларни, воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қила олишни ўрганадилар, касбий фаолият жараёнига сифатлироқ тайёрланадилар
<b>Иккинчи босқич:</b> касбий-педагогик вазиятларни таҳлил қилиш ва топшириқларни бажариш жараёнида касбий сифатларни шакллантириш	
<b>Ташкилий-педагогик шарт-шароитни амалга ошириш методикаси</b>	
<b>Мақсад</b>	Билим доирасини кенгайтириш ва дунёқарашни шакллантириш
<b>Мазмун</b>	“Технологик таълим ўқитувчисининг касбий сифатлари” махсус курси дастурини иккинчи модули
<b>Шакл, метод ва воситалари</b>	<b>Ташкилий шакллари:</b> давра суҳбати, мунозара. <b>Методлари:</b> ақлий ҳужум, кластер, ролли ўйинлар, “Бумеранг”, баҳслашув, Case-study методи. <b>Воситалари:</b> Интернет, электрон таълим ресурслари, интернет тармоғидаги манбалар билан ишлашга доир топшириқлар.
<b>Натижа</b>	Талабаларнинг билими ва дунёқараши кенгайтирилади
<b>Учинчи босқич:</b> ўқув лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида касбий сифатларини шакллантириш	
<b>Ташкилий-педагогик шарт-шароитни амалга ошириш методикаси</b>	
<b>Мақсад</b>	Касбий йўналганлик, касбий етуклик, касб билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларнинг ҳиссий намоён бўлиши
<b>Мазмун</b>	“Технологик таълим ўқитувчисининг касбий сифатлари” махсус курси дастурини учинчи модули
<b>Шакл, метод ва воситалари</b>	<b>Ташкилий шакллари:</b> ишбилармонлик ўйини (Ролли ўйинлар). <b>Методлари:</b> кластер, ақлий ҳужум, бумеранг, баҳслашув, муаммо, ФСМУ, елпигич, чархпалак, Smart technology, ижодий машқлар, портфолио сўров <b>Воситалари:</b> проекцион материал, тарқатма материал (лойиҳани ҳимоя қилиш жараёнида), интернет, электрон таълим ресурслари.
<b>Натижа</b>	Танлаган касбига нисбатан меҳр-муҳаббатда бўлиши, касбий етукликка эришиш, касб билан боғлиқ бўлган эҳтиёжлар фаолиятида намоён бўлади.

3-модул. Касбий қизиқувчанлик, ижтимоий фаоллик, тиришқоқлик, қатъиятлилик, жўшқинлик сифатлари ривожлантирилади; меҳнат жамоасида касбий фаолият доирасида ривожлантиришга ва такомиллаштиришга қаратилган ғоялар билан чиқишга ўрганадилар; ўзи ва ўзгаларнинг фаолиятини баҳолай олишлик; башорат қила олишлик, касбий фаолиятни ташкил этиш, уюштириш ва раҳбарлик қилиш кўникмалари шакллантириди.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий сифатларини шакллантиришга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда кўпроқ Smart таълим технологиясига таянилды. Талабаларда Smart таълими технологияси келишувлар ва технологиялар асосида ягона Интернет тармоғи орқали таълимни амалга оширилади. Smart технологиясининг ташкилий-методик компоненти бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий сифатларини шакллантиришга хизмат қилади. Ўқув дарсларини Smart Boards, интерактив дисплей - Symposium ёрдамида узатиш, маърузачига дарс жараёнининг ўзида тақдимотлар яратиш, интерфаол Smart Boards тахталарига махсус маркерлар ёрдамида ёзиш, ўқув материалларини намоиш этиш, экрандаги тасвир устидан ёзма шарҳлар бериш ҳамда ёзилган маълумотларни магнит ташувчиларда сақланиб қолиб, уларни босиб чиқариш, дарсга келмаган талабанинг электрон почтасига юбориш каби имкониятлари мавжуд. Маъруза давомида Smart Boards тахтасида яратилган ўқув материални эса, ўрнатилган видеокодрга ёзиб олиш, кўп марта қайта қўллаш. Synhron Eyes (синхрон кўз) дастурий пакет ёрдамида ўқитувчи барча ўқувчиларни кузатиш, ўқувчилар ишчи мониторларини экранга чиқариш, блокировка қилиш, интерфаол тахта ёрдамида ўқув материалларини, дарсликларни, тестларни юбориш ва жараёнига назорат қилиш мумкин.

Шунингдек, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий сифатларини шакллантиришда махсус курснинг амалий машғулотида ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб этиш яхши самара берди. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали талабаларда лойиҳалашнинг умумлашган алгоритмининг бажариш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилиб, бунда ғояни илгари суриш; муаммони кўрсатиш, мақсадни белгилаш ва уни ҳал этиш вазифаларини ифодалаш; натижага эришишнинг қулай усул ва воситаларини асосли танлаш; ҳамкорликда ишлашни режалаштириш ва лойиҳадаги мажбуриятларни тақсимлаш; натижаларни расмийлаштириш ва уларнинг умумий тақдимотини ўтказиш; ўз-ўзини баҳолаш ва рефлексияни амалга оширади. Лойиҳаларни тайёрлаш талабалардан кўпроқ мустақил ишлашни талаб этади. Мазкур жараёнда улар катта ҳажмдаги лойиҳалашни қайта ишлаш билан шуғулланишди. Лойиҳаларнинг ҳимояси “Касбий компетентлик” туркумига кирувчи фанлар ҳамда “Технологик таълим ўқитувчисининг касбий сифатлари” махсус курсидан амалий машғулотлар жараёнида ўтказилди. Талабалар ўз лойиҳаларини ҳимоя қилиш жараёнида кўргазмалар ва тарқатма материаллар тайёрлайди, бунда лойиҳани ижодий жиҳатига алоҳида эътибор қаратилади.

Таклиф қилинган лойиҳалар мавзулари уч йўналишга ажратилди: гностик, касбий индивидуал хислатлар, умумкасбий сифатлар. Мазкур мавзулари тавсиявий тавсифга эга бўлиб, талабалар кўрсатилган йўналишлар доирасида ўзлари ҳам эркин равишда мавзунини танлаш имкониятига эга. Мавзулар индивидуал ва кичик гуруҳларда бажарилди. “Касбий сифатлар” махсус курсини ўзлаштириш жараёнида талабалар барча йўналишдаги мавзулар касбий сифатларни шакллантиришга қаратилди. Шу билан бирга

мустақил иш топшириғи сифатида эгалланган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида талабаларга эссе ёзиш топширилди.

